

Абдурахим Абдуваҳидовиҷ Мавлянов
ИИВ Академияси Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти,
фалсафа фанлари номзоди, доцент
(Телеграмм – +99894-653-58-20)

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА МАНТИҚ ФАНИНИ ЎҚИТИЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Мақолада мантиқий тафаккур маданиятига эга бўлган мустакил фикрлайдиган юқори малакали кадрларни тайёрлашнинг асос шартларидан бири сифатида олий таълимда мантиқ фани ўқитилиши зарурлиги масаласи ёритилган.

Таянч сўзлар: олий таълим, мантиқий тафаккур, тушунча шаклланишининг мантиқий усууллари, тақослаш, таҳлил, синтез, мавҳумлаштириш, умумлаштириш, хуқуқий норма, мантиқий норма.

Аннотация: В статье рассматривается необходимость обучения логике в высшей школе как одно из основных условий подготовки самостоятельно мыслящих высококвалифицированных кадров, владеющих культурой логического мышления.

Ключевые слова: высшее образование, логическое мышление, логический приём, образование понятия, сравнение, анализ, синтез, абстракция, обобщение, правовая норма, логическая норма.

Annotation: The article deals with the need for teaching of logics in higher school as one of the fundamental conditions for training independently thinking highly qualified personnel possessing a culture of logical thinking.

Keywords: higher education, logical thinking, logical technique, concept of education, comparison, analysis, synthesis, abstraction, generalization, legal norm, logical norm.

Азалдан мантиқ маънавий маданиятнинг ажralmas қисми сифатида жамият ҳаётида доимо муҳим аҳамият касб этиб келган. Бой илмий меросга эга энг қадимиј фундаментал фанлардан бири ҳисобланган “Мантиқ” ўзининг шаклланиш ва ривожланиш даврида кўп инқилобий сакрашларни амалга ошириш билан бирга инқирозий ҳолатларни ҳам бошидан кечирган.

Дастлаб, мантиқ ўз моҳиятига кўра қадимги дунё ижтимоий сиёсий ҳаётида турли кучлар баҳсларида қўлланиладиган бадиий ифодали нутқнинг ишонччилик қучини ошириш, ўринсиз ёлғонларни тан олдириш, томонларни бир муқимга келтириш вазифаларини уддалай олевчи ўзига хос усул ва воситалари сифатида пайдо бўла борган.

Мантиқнинг фан сифатида шаклланиши Аристотель номи билан боғлиқ бўлиб, унда тафаккур шакллари, қонунлари, силлогистик хulosалар ҳамда далиллаш каби назариялар тизимлаштирилишга эришилган бўлса-да, лекин

мантиқ илмининг дунёга кенг тарғибот қилинишида Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Ўрта Осиё мутафаккирларининг хизматлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Хусусан, Аристотелнинг мантиқка оид асарларини араб тилига таржима қилган ва уни ўз илмлари билан ижодий

бойитиб, тарихда «араб мантиғи» деб ном қолдирған илмий йұналишнинг Хунайн ибн Исхоқ (808–877), Абу Юсуф ал Киндий (801– 867), Абу Башар Матто (туғилған иили маълум эмас – 939-йилда вафот этган), Исо ибн Зурро (1000 – жыл.), Абу Бақр ар-Розий (865 – 925), Форобий (873 – 950), Ибн Сино (980 – 1037), Ибн Рушд (1126 – 1198) каби бир қатор мутафаккирларининг ўрни бекіётсір[1].

Шу тариқа мантиқни мустақил фан сифатидаги нуфузининг ошиб бориши, халқлар маънавий маданияти юксалишининг мезоний күзгусига айланишга қадамба-қадам еришиб борилди. XIX аср охири ва XX асрнинг иккінчи ярмуга қадар мантиқ фанининг жамият хаёти учун муҳим аҳамияттаға әгалигига ҳеч ким шубҳа қилмас эди. Лекин фан тараққиётининг әхтиёжи билан анъанавий формал мантиқ негизида “мулоҳазалар мантиғи”, “предикатлар мантиғи”, “интуиционистик мантиқ”, “конструктив мантиқ”, “модал мантиқ” каби түрли хил мантиқий тизимларни ўзида бирлаштирувчи ноанъанавий мантиқнинг янги йұналишлари шаклланиб бориши билан математик мантиқда ўз аксини топған мантиқнинг формаллашған тили лингвистика, информатика, кибернетика, нейропсихология, психофизиология, дифференциал психология, эмбриология, молекуляр биохимия, нейрогенетика, сунъий интелект назарияси каби фанлар ва тез суръатлар билан ривожланиб келаётған соҳа – компьютерлаштиришнинг муҳим ўзагига айланиб бўлди. Бу эса илмий жамоатчиликнинг айрим вакиллари орасида Аристотель асос солған мантиқ илмининг түрли фанлар кесишмалари орасида қолиб кетиб, ўз моҳиятидан узоқлашиб бораётғанлигига ишончни шакллантира борди.

Бундан ташқари XX асрнинг охири XXI асрнинг дастлабки ўн йилликларида постсовет мамлакатларида Европа таълим майдонига интеграллашуви жараёнлари кучайиши муносабати билан олий таълим йұналишлари ва мутахассислари таълим дастурларини (ўкув режа, фан дастурлари) жаҳон миқёсидаги талаблар доирасида қайта ишлаб чиқишига киришиш бошланиб кетилди.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг 26.07.2023 й. 327-сон "O'z DSt 3557:2021 "Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Олий таълим йұналишлари ва мутахассислари классификатори" Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартига ўзgartириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Буйруғига асосан барча олий таълим муассасаларига таълим дастурларини (ўкув режа, фан дастурлари) мустақил ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш ваколати берила бошланди. Шу муносабат билан кўп асрлик тарихига эга бўлган “Мантиқ” фани бакалавриат таълим йұналиши муассасалари ўкув жараёнидан олиб ташланған борилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, биз интилаётған ғарб таълим тизимнинг ўзида ҳам мантиқ фанининг ўқитилишига муайян чекловлар қўйилмаган. Аксинча Европа мамлакатларида, жумладан Германиянинг бошланғич таълим муассасаларида элементар мантиқ қоидаларида сабоқ беришади. Бундан ташқари олий таълим тизимида ҳам унинг йұналишларига ихтисослашған мантиқнинг муйян курслари ўқитилади. Бу анъана уларда XVIII- асрлардан бошлаб буюк немис мутафаккирлари Кант ва Гегель мантиғи билан кириб келган.

Шунингдек, яқин қўшниларимиз бўлмиш Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида, хусусан Россиянинг М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Олий Иқтисодиёт мактаби, Санкт-Петербург давлат университети, Санкт-Петербург давлат иқтисодиёт университети каби етакчи олий таълим муассасаларида ҳам мантиқ фани ўқитилади. Ўзбекистонда эса “Мантиқ” фани Мирзо Улуғбек номли Миллий университети, Жамоат хавфсизлиги университети каби чекланған миқдордаги бир неча олий ўкув юртлари ҳисобга олинмаса, аксарият қисмida ўқитилмайди.

Бу эса бизнинг фикримизча, олий таълимни битирган мутахассисларнинг кейинги икки-уч авлодида мантиқан тўғри фикрлаш маданияти шаклланишида муаммолар пайдо бўлишига, ҳаттоқи бир вақтлар барча олий ўқув юртларида мутахассисларнинг касбий фаолият кўнижмасини шакллантиришга йўналтирилган “мантиқ” фанининг ўқитилганлиги ҳақидаги тасаввурлар ҳам йўқолиб кетишига олиб келиши мумкин.

Олий таълимда бундай инқирозий ҳолатга йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сон Фармонида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг стратегик йўналишлари сифатида билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, илфор таълим технологиялари асосида модернизация қилиш каби вазифалар белгилаб берилган[2].

Олий таълим олдида қўйилган вазифалардан келиб чиқадики, олий мактаб ўз битиувчиларида фақат тайёр маълумотларни ўзлаштиришни эмас, балки энг аввало фикрлашга, янгича ёндашувга, билимларни мустақил янгилашга ва доимий тўлдириб боришга, турли амалий вазифаларни ҳал этишда улардан онгли равища фойдаланишга олиб борувчи мантиқий фикрлаш кўнижмасини шакллантириши лозим.

Мантиқий тафаккур инсонинг туғма қобилияти эмас, унга фақат ўрганиш мумкин; у таълимда фойдаланиладиган маҳсус мантиқий воситалар асосида тизимли равища ривожлантирилади. Мантиқ фанини ўрганиш давомида олий талимда таҳсил олувчи ёшлар мантиқий фикрлаш кўнижмаларини изчил эгаллашга ва тақдим этилган маълумотларни таҳлил қилишга кўпроқ эътибор беришни, мавжуд маълумотларни фаол тинглашни ва танқидий тушунишни ўргана боришади. Мантиқий фикрлаш керакли маълумотларни излаш, тўплаш, ўрганиш ва тизимлаштириш, фактларни тахминлардан ажратиш, бошқа нуқтаи назар ва билимларни таҳлил қилиш, хатолардан ўрганиш, мавжуд маълумотлардан қандай ва нима учун фойдаланиш мумкинлигини тушуниш, асосли хulosалар чиқариш, юзага келадиган муаммоларга тўғри ечимларни топиш имконини беради.

Мантиқий фикрлаш кўнижмасини ривожлантириш учун энг аввало тайёр материалларни боришга асосланган маърузалардан қочиш ва ўйлашга, мустақил изланишга ўргатувчи методикани йўлга қўйиш; семинар машғулотларида хуқуқ амалиётида қўп учрайдиган муаммоли ҳолатлар(казус)ларнинг ечимини топишда баҳс мунозаралар ўтказиш; мавзуга оид турли хил ребуслар, кроссвордлар ва жумбоқларни ҳал қилиш; муаммоли вазиятларни моделлаштириш, уларни таҳлил қилиш; қўшимча материалларни ўрганиш; муқобил ечимларни излаш; баҳс ва мунозараларда иштирок этишини фаоллаштириш каби амалиётларни йўлга қўйиш лозим.

Мантиқ фанини ўрганишнинг ижтимоий фаолият барча соҳа эгалари учун аҳамияти муҳим эканлигини биргина хуқуқшунослик назарияси ва амалиёти мисолида қуйидагича кўрсатишмиз мумкин. Жумладан, хуқуқшуносликда учрайдиган тушунчалар, хulosалар, қонунлар, шартномалар, хуллас, барча амалий-хуқуқий жараёнларни тўғри англаб этиш заминида энг авалло ёш мутахассисда мантиқий муҳокама юритиш кўнижмасининг шаклланганлик даражаси ётади.

Мантиқий фикрлашнинг негизий асоси бўлмиш “тушунча”нинг шаклланишида таққослаш, анализ, синтез, мавхумлаштириш ва умумлаштириш каби мантиқий усуслардан фойдаланилади.

Муайян нарса, ҳодиса ва жараёнлар ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун дастлаб, уларнинг бошқалар билан ўхшашлиги ёки фарқини аниқлаш лозим. Айнан шу вазифани бажарувчи мантиқий усул «таққослаш» ҳисобланади.

Тушунчани ҳосил қилишда фойдаланиладиган яна бир муҳим мантиқий усул – бу анализ ва синтездир. Мантиқий анализ – ҳодиса, жараён ва нарсаларни таркибий қисмлар, элементлар ҳамда бўлакларга фикран ажратиш демқидир. Масалан, терговчи ҳодиса сифатида олинган жиноятнинг моҳиятига етиб бориш учун уни турли хил версия(тусмол)лар асосида таҳлил қилиб кўради. Жиноят содир этилган жойни кўздан кечиради, гувоҳлар билан ишлайди, ҳар бир ҳаракатни ўз фикрларида қайтадан тиклайди. Бу ҳолда фикрий таҳлил амалий таҳлил билан боғлиқ бўлади. Лекин анализ фикрлаш жараёнида алоҳида учрамайди, у ҳар доим синтез билан биргаликда, у билан боғлиқ ҳолда келади[3].

Синтез – бу анализ ёрдамида бутуннинг бўлакларга ажратилган қисмлари, элементларини яна фикран тўплаб, яхлит ҳолда ўрганишдир. Масалан, терговчи жиноят содир бўлган жойни кўздан кечираётганда, дастлаб турли хил далилларни гурухларига қараб ажратади(таҳлил қиласи), сўнг бу маълумотларни йигади, синтез қиласи. Синтезлаштириш жараёнида фикр яkkадан – умумийга, қисмдан – бутунга, муайян(аниқлик)дан – абстрактга боради. Ундан кейинги мавҳумлаштириш усулида объектив реалликдаги предмет, ҳодисаларнинг иккинчи даражали, муҳим бўлмаган алоҳида хусусиятларидан узоқлашиб, мавҳумлаштириш ёрдамида уларнинг энг муҳим ва асосий умумий томонларини аниқлашдир. Мавҳумлаштириш усули фикрни умумлаштириш билан узвий боғлиқ бўлиб, унда нарса ва ҳодисаларнинг ўхшаш ҳамда муҳим белги ёки хусусиятларининг боғланишларини фикрда муайян тушунчага бирлаштириш жараёни ва унинг натижасидир. Мантиқ илми нуқтаи назаридан фикр умумлаштиришда хусусийликдан умумийликка, турдан жинсга қараб ҳаракат қиласи ҳамда умумийлик нарса-ҳодисаларнинг муқаррар ўхшаш ва муҳим белгилари сифатида олиб қаралади. Демак, ҳукуққа оид илмий тушунчаларни шакллантиришда таққослаш, анализ-синтез, мавҳумлаштириш ва умумлаштириш каби мантиқий усулларни билиш ва уларни амалий кўллай олиш катта аҳамият касб этар экан[4].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳукуқшуносликка ихтисослашган бакалавриат таълим йўналишида таҳсил оловчи талабалар “Давлат ва ҳукуқ назарияси ва тарихи” фанида “давлат”, “ҳукуқ”, “ҳукуқий муносабатлар”, “жиноят”, “жазо” каби ҳукуқшуносликнинг умумилмий категорияларини ўрганишда аввало уларнинг методологик асосини ташкил қилувчи мантиқ фанининг “тушунча” таърифи, “таъриф турлари”, “таърифнинг таркиби”, “таърифни тузиш босқичлари” каби қоидаларини ўзлаштирган бўлишлари мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки ҳар қандай тушунчада даставвал нарса ва ҳодисаларнинг энг умумий ва муҳим белгилари акс эттирилиши қоидасини билган талаба ҳукуққа оид тушунчаларни ўзлаштиришнинг ўзи учун оддий ва тушунарли бўладиган усулларини ишлаб чиқиш кобилиятига эга бўла боради. Бундай билимлар эса талабанинг келажак мутахассислик фаолиятида вазиятга тўғри баҳо бериш, таҳлил қилинаётган тушунчаларнинг моҳият негизини тезда ва зукколик билан аниқлаб олиш, муаммо ечимининг тўғри йўлини топиш каби кўникмаларини шаклланшишига фундаментал асос яратиб беради.

Маълумки, ҳар қандай ҳукуқий хужжат энг аввало тугалланган фикр сифатида албатта тафаккур шакли бўлмиш ҳукмда намоён бўлади. Демакки, ҳукуқий хужжатларни тўғри тузишда нафақат грамматика, балки мантиқ қоидаларига ҳам амал қилиш зарурдир. Агар ҳукуқий хужжатларни умумлашган ҳолда ҳукуқий норма ва мантиқий қоида, талаблар мажмуасини мантиқий нормалар деб шартлашиб олсак, унда ўз-ўзидан маълум бўладики,

биз бундан кейинги таҳлилларимизни мантиқий ва хуқуқий нормаларнинг ўзаро алоқадорлик масалалари доирасида олиб борамиз.

“Хуқуқ нормаси” ва “хукм” дунёни акс эттирилишига кўра бири ижтимоий онг ва иккинчиси тафаккур шакли сифатида намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, хуқуқ нормасида хулқ-авторнинг меъёрий баҳоланиши акс эттирилса, хукмда эса фикрнинг акс эттирилган воқеликка адекватлилик даражаси белгиланади.

Агар хуқуқий норманинг хуқуқшуносликда энг умумунирверсал деб топилган тузилмавий таркиби гипотеза, диспозиция ва санкцияларнинг изчиллиқда ва муайян кетма-кетликда келишини тақоза қилса, хуқуқий норма тузулишининг айнан шу энг умумунирверсал тартибини бевосита мантиқ қонун ва қоидалари доирасида тавсифланиши хуқуқий норманинг том маънодаги мантиқий тузулишини англатади ва ўз навбатида унинг, яъни хуқуқий норманинг “Агар... бўлса, унда..., акс ҳолда эса... бўлади” шаклидаги формулада ифодаланишини таъминлайди.

Маълумки, Ҳуқуқ нормасининг уч элементли тузилмавий таркиби (гипотеза, диспозиция ва санкция) – унинг ажралмас атрибутикаси (хусусияти) ва идеал намунаси ҳисобланади. Лекин амалиётда ҳар қандай хуқуқий нормада ҳам бу учлик бир бутунликда намоён бўла олмайди, алоҳида муайян бир холатларни ҳисобга олмагандан албатта. Чунки, хуқуқий нормаларда хуқуқ субъектларининг муайян вазиятларда ўзларини қонун нуқтаи назаридан қандай тутишлари ва уларнинг оқибатлари тўғрисида қисқа ва аниқ кўрсатмалар сифатида қонунчиликнинг турли шаклларида фармойиш ва моддалар тарзида ёпиқ ҳолда қайд этилган бўлиб, уларда бу гипотеза, диспозиция ва санкция каби учликни доимий бир бутунлик сифатида кузатиб бўлмайди. Кўпинча қонунчиликнинг у ёки бу моддаларида хуқуқий нормаларнинг “гипотеза ва диспозиция” ёки “диспозиция ва санкция” каби фақат икки, айрим ҳолларда эса бу элементларнинг ҳар бири ҳатто алоҳида – алоҳида тарзда келиши ҳам мумкин. Айнан шу ҳолларда бу норматив ҳужжатларнинг яхлит бир бутунлигини фақат мантиқий нормалар асосида қилинган таҳлиллар ҳисобигагина мақсадга кўра тиклаш ва тизимга айлантириш мумкин[5].

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида гипотеза асосан кўрсатилмайди, уни фақат умумий қисмга оид моддаларда келтирилган нормалардан англаб олиш мумкин. Масалан, Жиноят Кодексининг “Жиноят учун жавобгарлик ва унинг асослари” деб номланувчи 16 модасида назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади[6]. Бошқача қилиб айтганда, фуқаро ҳаракатларида кодексда жиноят асоси деб белгиланган аломатларнинг бор бўлишилгининг ўзи, уни айбдор сифатида жавобгарликка тортилиш учун етарли ҳисобланади. Демакки, бу қоида жиноят кодексининг маҳсус қисмида белгиланган моддалар учун асос вазифасини бажариб, уларда гипотеза ўрнида келиши мумкин.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, мазкур мақола доирасида биз “Мантиқ” фанини мантиқий тафаккур шаклланишининг асос негизи бўлиб ҳизмат қилишини хуқуқий тушунчаларни англашда тушунчани шаклланишининг методологиясини ташкил қилувчи мантиқий қоидалари ҳамда хуқуқ нормаси ва мантиқий норманинг ўзаро алоқадорлик мисолларида кўрсатишга ҳаракат қилдик. Шу келтирилган қисқа таҳлилларнинг ўзи ҳам хуқуқшунослик амалиётининг манбаатларига ҳизмат қила оладиган, унинг методологик асосини яратиб беришга қодир бўлган, кераксиз “абстракциялардан” ҳоли бўлган замон талабларига жавоб берадиган мантиқ фанини олий таълим ўқув жараёнига киритилиши мақсадга мувофиқ деб билишимизга асос бўлади деб ўйлаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Маковельский А.О. История логики. – М.: Кучково поле, 2004. – С.235-267.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь йилдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони <https://lex.uz/docs/4545884>.
3. Mavlyanov A.A. Mantiq: O‘quv qo‘llanma. – T.: Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti, 2013. –B – 63.
4. Mavlyanov A.A. Mantiq: O‘quv qo‘llanma. – T.: Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti, 2013. –B – 64-65.
5. Falsafa: O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Akademiyasi tinglovchi va kursantlari uchun darslik / Sh.O. Mamadaliyev, A.Q. Qodirov, J.S. Ramatov va boshq. – T.: O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2022. – B.-130.
6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. Умумий қисм. / <https://www.lex.uz/acts/111453>.